

Х. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. 2017 йилнинг январь-декабрида автомобиль транспорти томонидан 28,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 103,8 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 761,6 млн. тн-км.ни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 102,1 фоизга ўсди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	<i>2017 йил январь-декабрь</i>	<i>Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ташилган юклар, млн. тн.	28,9	103,8
автомобиль транспортида	28,9	103,8
Юк айланмаси, млн. тн-км	761,6	102,1
автомобиль транспортининг	761,6	102,1

Автомобиль транспортида 28,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 103,8 фоизга кўпdir. Юк айланмаси 761,6 млн. тн-км.ни ташкил қилди ва 102,1 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2016 йил январь-декабрига нисбатан 101,2 фоизга кўпайди ва 590,7 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 77,6 фоизни (2016 йилнинг январь-декабрида 78,3 фоизни) ташкил этди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 103,1 фоизга кўпайди ва 83,2 млн. кишига етди. Йўловчи ташиш айланмаси 102,8 фоизга кўпайиб, 2 262,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

**Транспорт турлари бўйича
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**

	<i>2017 йил январь– сентябрь</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
--	--	---	--

Ташилган йўловчилар, млн. киши	83,2	100,0	103,1
автомобиль транспортида	83,2	100,0	103,1
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	2 262,8	100,0	102,8
автомобиль транспортининг	2 262,8	100,0	102,8

